

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети**

**Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси**

**“Ер ресурсларини бошқариш” фани**

**ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЕР КАДАСТРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Тошкент - 2016**

# **МАВЗУ: Ер ресурсларини бошқаришда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш**

---

*Режса:*

- 1. Ер ресурсларини бошқаришда ер кадастрининг аҳамияти.**
- 2. Ер кадастри ахборотларидан фойдаланиш соҳаси.**
- 3. Ер кадастри ахборотларининг иқтисодиёт соҳаларда қўлланилиши.**

---

**Ер кадастрини юритиш** – Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 15-моддасига ҳамда “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ташкил этилган тизим бўлиб, у ерларниң ҳукуқий ва хўжалик ҳолати, миқдори ва сифати, унумдорлик даражаси, қиймат баҳоси, ушбу ер фондининг ер тоифалари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборатdir.

# **Ер ресурсларини бошқаришда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш**

- Давлат ер кадастри хозирги босқичда Ўзбекистон минтақалари ривожланишининг ва ер муносабатларининг тартибга солишнинг муҳим механизмларидан биридир. Ахборотлар тизими билан умумдавлат ва минтақавий вазифаларни ечимини таъминлашда ер кадастри қуидаги соҳаларда қатор муҳим ҳаракатларни амалга оширилишига имкон беради:
  - Хуқуқий муносабатлар соҳасида;
  - Иқтисодиёт соҳасида;
  - Кўчмас мулклар бозорларини шакллантириш соҳасида;
  - Банк ва сугуртасининг ривожланиш соҳасида;
  - Инвестиция сиёсати соҳасида;
  - Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш ва уй-жой сиёсати соҳасида;
  - Ер ресурсларини бошқариш ва ердан фойдаланиш соҳасида;
  - Ахборот хизматлари соҳасида;
  - Ердан фойдаланишнинг барқарорлигини таъминлаш соҳасида;
  - Ижтимоий сиёсат соҳасида.

**Хуқуқий муносабатлар соҳасида –**

ерга эгалик хуқуқини ва улар билан битимлар тузишнинг давлат рўйхатга олинишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси субъектлари ва ҳудудий ташкил топиши, жисмоний ва хуқуқий шакллари хуқуқларини давлат томонидан ҳимояланиши, ер участкаларига ўз хуқуқига, фойдаланувчилар, эгалик қилувчилар, мулқдорлар ишончини шакллантириш, давлат органлари ва ердан фойдаланувчи субъектлар ўртасидаги мулкчилик хуқуқини чегаралаш.

## **Иқтисодиёт соҳасида –**

---

Давлат бюджетига ер тўловларини таъминлаш ва солиқ солинадиган базаларини кенгайтириш, ерларга кадастрли (иқтисодий) баҳолашни ўтказиш, ерларни бозор иқтисодиёти шароитида ахборотлар билан таъминлаш, ерларга ва бошқа кўчмас мулкларга солиқ солиш, фойдаланиладиган ер участкаларидан ва кўчмас мулклар обьектлари механизмини такомиллаштириш, ер муносабатларидан ноқонуний ёки асосланмаган имтиёзлардан фойдаланувчи субъектлар сонини камайтириш, корхоналар асосий фондлари қийматини кўпайтириш ва уларни инқирозлардан ҳимоялаш.

**Кўчмас мулклар бозорларини шакллантириш соҳасида** - кўчмас мулк бозорининг ишлаб туришнинг зарурий шароитларини яратиш; давлат мулкчилигига турган кўчмас мол-мулкни бошқариш, ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш, давлатда ер нархининг қимматбахо қоғозлари (ер векселлари, облигациялар, гаров мажбуриятлари ва ҳ.к.) фонд бозорида муомаласи ва киришни таъминлаш.

## **Банк ва суғуртасининг ривожланиш соҳасида –**

Ер участкалари бинолар, уйлар, турар жойлар ва бошқа кўчмас мулкларга ипотека ва бошқа турдаги кредитлар бериш билан ипотекани кредитлаштиришнинг ривожланишини таъминлаш, кўчмас мулкка мулкчилик хуқуқини суғурталаш, давлат ер cadastridan ахборотлар хуқуқий аҳамиятлигини тақдим этиш асосида бошқа иштирокчилари, суғурталанувчилар, нарҳ белгиловчилар, банкларнинг бир-бирига таъсир қилиш механизмлари ўз-ўзини тартибга солиш.

## **Инвестиция сиёсати соҳасида –**

---

инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбаларидан бири сифатида ипотека кредитлаштиришдан фойдаланиш шунингдек, четдан капитал киритиб, тўғри инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш.

**Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш**  
**ва уй-жой сиёсати соҳасида** - Туар жой мулқдорлар ширкатлари ишлаб туришини ва тузилишини қўллаб-қувватлаш, жойлашган жойи, унинг сифатидан боғликликда туар-жой хақининг миқдори дифференциясини асослаш, шунингдек уй-жой фондининг бошқарма объектига ва мулкчилик хуқуқини бериш.

## **Ер ресурсларини бошқариш ва ердан фойдаланиш**

**соҳасида-** Сонларини миқдор ва сифат маълумотларининг ҳудудий базасига ер ресурсларини бошқариш ва режалаштириш учун тўла ва аниқ ахборотлар тақдим этиш, кўчмас мулк объектларини шакллантириш вақтида бошқармалараро бир-бирига таъсир қилишни таъминлаш, ердан фойдаланиш ҳолати учун давлат назорати ва мониторингининг ўтказиш, минтақаларни ҳудудий тақсимлаш ва ҳудудий иқтисодий режалаштиришни таъминлаш, бош режаларнинг ривожланишини аниqlаш, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерларни истеъмолдан чиқариб олиш (хақ тўлаш) механизмини яратиш.

**Ахборот хизматлари соҳасида - объектларни**  
**ҳисобга олиш тўғрисида** хабарлар ишончлилигини давлат эътироф этган ер кадастри ахборотлар ишончлилигини хар қандай ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, банклар, судьялар, қонун чиқарувчи ва ижро этувчиларга тақдим этиш, геодезик, лойиҳа қидирув ва бошқа ишларни ахборотлар билан таъминлаш, шунингдек кадастрлар ва бошқа бошқарма реестрларни ахборотлар билан қўллаб-куватлаш.

---

**Ердан фойдаланишнинг барқарорлигини таъминлаш соҳасида** -Ушбу участкаларда ер муносабатлари обьектига хуқуқлар барқарорлигини, унинг хўжаликларга фойдаланиш барқарорлиги, ҳудудий (макон), иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлаш.

**Ижтимоий сиёсат соҳасида - Янги ишчи**  
ўринларини яратиш, ижтимоий ва маданий-  
маиший инфраструктураларининг  
ривожланиши, ишлаб чиқариш объектларини  
шаҳарлар марказидан чиқариш, янги  
ижтимоий табақаларини шакллантириш.

---

Эътиборларингиз учун  
рахмат!